

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

44 «2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотида оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2053-2

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 сентябрдаги ПҚ–2607-сон «Сечанқўл, Оқжар ва Чимбой инвестиция блокларида геология қидирув ишларини амалга ошириш, шунингдек Урга, Акчалак ва Чандир гуруҳи конларини қазиб чиқариш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича чоралар тўғрисида»ги ва 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ–2695-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01-02/12-22, ЭГ-01/10-7233-сон «2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотида оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2053, 2009 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 50-51-сон, 546-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2012 йил 25 декабрдаги 01-02/19-37, ЭГ-01/10-8808-сон «2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотида оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2053-1, 2013 йил 25 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 4-сон, 50-модда).

2. Мазкур қарор «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2017 йил 10 январь,
01-02/12-66-сон

М. ТОХИРИЙ

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Тошкент ш.,
2017 йил 10 январь,
2017/03-1-сон

Э. ҒАНИЕВ

Келишилган:

*«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг
компанияси бошқаруви раиси*

2017 йил 10 январь

А. СУЛТАНОВ